

8 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА ТАРЗИДА МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА ҚЎРИБ ЧИҚИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.



НУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 10-СЕНТАБР, №36 (1233)

Она тилимизга бугунги муносабат
этиборсизлик белгисими
ё саводсизлик?



6-БЕТ

BOSH PROKURATURA BAYONOTI

ҚИДИРУВДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ МУРОЖААТИ

2020 йил 5 сентябрь куни ижтимоий тармоқларда қидирувдаги янгийўллик тадбиркор Б.Қ.нинг «Прокуратура тўхматларидан чарчадим. Менинг бизнесим аслида депутат Расул Кушербаевга тегишли эмиш» сарлавҳали муурожаати такроран тарқалди.

Қайд этиш керакки, бундан аввалроқ Бош прокуратура томонидан айна шу турдаги, бироқ бир муддат олдин қилинган арз батафсил ўрганилган ва бу тўғрисида расмий баёнот берилган.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузурдаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан Янгийўл туманидаги «Кўшеғоч олтин фэйз балиқлари» МЧЖга ажратилган балиқчилик ҳавзасидан қум-шағал аралашмасини ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолати юзасидан ўтказилган текшириш ҳужжатлари асосида 2020 йил 24 январда ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, Янгийўл тумани прокуратураси томонидан дастлабки тергов ўтказилган.

Тергов давомида ушбу жамият раҳбари Ж.З. акаси Б.Қ. билан жиной тил бириктириб, балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун ажратилган 11,8 гектар ердан 600 млн. сўмлик 57,2 минг куб-метр қум-шағал аралашмасини қазиб олиб, лицензияга эга бўлмаси-да, қонунга зид равишда сотиб юбориб, талон-торож қилганлиги, бу орқали давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказганлиги аниқланган.

Шу сабабли Ж.З.га ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, Янгийўл тумани прокуратураси томонидан дастлабки тергов ўтказилган.

Айбланувчи Б.Қ.га эса терговдан яширинганлиги сабабли қидирув эълон қилинган.

Эслайтиб ўтаимиз, жиноят иши Бош прокуратурада ўрганилганда иш бўйича депутат Р.Кушербаевга оид бирон-бир масала муҳокама қилинмагани, унга алоқадор маълумот тўпланмагани ёки у билан боғлиқ тергов ҳаракатлари ўтказилмагани баён қилинган.

Бош прокуратура ходимлари томонидан Ж.З. билан ўтказилган суҳбат давомида у терговда ундан Р.Кушербаев ҳақида ҳеч қандай маълумот сўраб-суриштирилмагани, у ҳақида савол берилмаганини, унга қарши кўрсатма бериш талаби билан таъйин ўтказилмаганини билдирган.

Р.Кушербаев билан Бош прокуратурада ўтказилган суҳбатда баён этилган ҳар бир маълумот марказий маҳкаманинг ўзида ишга алоқадор шахсларни жалб қилган ҳолда, тегишли ҳужжатларни қўздан кечириш йўли билан тўлиқ текширилган.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

МАВСУМ ТАЙЁРГАРЛИГИ МУҲИМ МАСАЛА

Айна кунларда Республика ишчи гуруҳи томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари ўрганилаётти ва аҳоли муаммолари ва ижтимоий соҳа объектларидаги камчиликлар бартараф этилмоқда.

Жорий йил 7 сентябрь куни комиссия томонидан «Тошкент иссиқлик маркази»нинг Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган, Учтепа туманининг 70 фоиз ва Чилонзор

чи қисмини қўздан кечирди. Аниқланган муаммоларни зудлик билан бартараф қилишга киришилди.

9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуро-



туманининг 30 фоиз қисмини иссиқлик энергияси билан таъминловчи 9-қозонхонасининг аҳволи ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари А.Усманов, Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ш.Узаковлар Тошкент шаҳрининг Юнусобод ва Мирзо-Улughбек туманларида бўлишди.

Хусусан, 1989 йилда ишга туширилган мазкур қозонхонани модернизация қилиш ёки унинг ўрнига локал иссиқлик қозонхоналари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Холмаҳматов пойтахтимизнинг Олмазор туманида бўлиб, туман ҳокими Б.Раҳмонов билан Себзор коллекторининг Қорақамиш кўчасидан ўтув-

рининг биринчи ўринбосари А.Холмаҳматов ҳамда Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ш.Узаковлар Тошкент шаҳрининг Юнусобод ва Мирзо-Улughбек туманларида бўлишди.



Режавий вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган тадбирда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, жараёнга зарур ресурслар, ишчи кучи ва техникаларни тўлиқ жалб этиш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан аниқ топшириқлар белгиланди.



2020 йил 9 сентябрь соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар 44 781 нафар



Соғайганлар 42 162 нафар



Вафот этганлар 364 нафар

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг топшириғига асосан Тошкент шаҳар прокурори Баҳриддин Валиев раҳбарлигида тажрибали ходимлардан иборат ижодий гуруҳ томонидан шаҳар прокуратураси органларининг 75 йиллик тарихига бағишланган «Ўтмишсиз келажак йўқ» номли китоб-альбом тайёрланди.

Ушбу китоб-альбомнинг тақдими Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги байрами кунлари ўтказилди.

Китоб-альбомда 2200 йиллик тарихга эга бўлган Тошкентнинг узок ва яқин ўтмиши, собик СССР ва Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тутган ўрни, ривожланиши ҳақида муҳим фактлар келтирилган. Шаҳар прокуратураси органларининг ходимлари, уларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Уларга ноёб фотосуратлар илова қилинган.

Мазкур китоб-альбом шаҳар прокуратураси органларининг тарихини ёш мутахассисларга ҳаққоний ва тўлиқ етказиш, уларнинг прокуратура ходимларининг масъулияти ва шарафли хизмати ҳақидаги тасаввурини бойитиш, ёшларни садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.



Шунингдек, тизимда кўп йиллар самарали хизмат қилган фахрийларга эҳтиром кўрсатиб, бутун орамизда бўлмаган устозлар хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилади.

Китоб-альбом ходимларимизга тарихий жараёнлардан тўғри хулоса чиқариш, улуғлардан ибрат олиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилишга ёрдам беради деган умиддамыз.

Бош прокуратура томонидан ушбу китоб-альбом ижобий баҳоланиб, намуна сифатида вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга ҳамда Бош прокуратура хузуридаги департаментга юборилганлиги бутун жамоамизга ифтихор бағишлади.



Хуршида РАХМАНОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

ТЕМУРБЕКЛАР БЕЛЛАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан Қуролли кучлар қўмондонликлари ва Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Яқинда ёшларни жисмоний жиҳатдан чиниктириш ҳамда улар ўртада китобхоналикни тарғиб қилиш мақсадида пойтахт-тимиздаги «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейида «Мен Ўзбекистон фарзандиман» шиори остида ҳарбий спорт мусобақаси ташкил этилди.



Мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан Миллий гвардия қўмондонлиги ва Ҳарбий-техник институти ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчилар эстафета, стол тенниси, волейбол, турикда тортлиш, тош кўтариш, шунингдек, халқ ўйинлари бўйича беллашишди.

Мусобақа якунида биринчи, иккинчи, учинчи ўрин соҳибларига ҳамда юқори нағижа кўрсатган бошқа иштирокчиларга Республика ҳарбий прокуратурасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Бундан ташқари, тадбир сўнггида 100 га яқин номдаги бадний китоблар тўплами таълим муассасаси кутубхонасига тақдим этилди. Ўқишда аъло натижаларга эришган бир гуруҳ ўқувчиларга ҳам китоблар ҳадя қилинди.

Гулчеҳра ТУРСУНОВА,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

NAZORAT

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноятларнинг олдини олиш бўйича прокуратура заммасига қатор вазифалар юклатилган. Бу борада Нукус шаҳар прокуратураси томонидан 2020 йил бошидан бери қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, иқтисодий қонунчилик ижроси соҳасида ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 28 та протест, 2 та тақдимнома киритилди. 8 нафар шахс интизомий, 3 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорларнинг манфаатини кўзлаб иқтисодий судга жами 300 млн. сўмлик иккита даъво аризаси киритилди, битта жиноят иши кўзгатилди. Натижада 126 нафар юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқи тикланишига эришилди.

Масалан, Нукус шаҳар ҳокимлиги хузурида «No'kis botanika bag'и» боғдорчилик-узумчилик ширкати ташкил қилинган ва «Алланяз Қаҳарман» МФЙ хулудидан 3,5 га ер ширкатининг 86 нафар аъзосига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган.

Аммо ширкатнинг мансабдорлари ваколатини суиистеъмол қилиб, ер ажратиб бериш ваколатига эга бўлмаса-да, ширкатнинг 5 нафар аъзосига берилган ер участкаларини 8 млн. сўмдан сотиб, ширкат аъзоси бўлмаган фуқароларга ерга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи қалбаки ҳужжатлар тақдим этган. Ер шу тарихи талон-торож қилинган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилди.

Бузилган ҳуқуқини тиклаш бўйича 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига ёрдам кўрсатилди. Масалан, ишини тўхтатган 18 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланиб, 1 та субъект янгидан ташкил қилинди.

Барчамизга маълумки, юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари кўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Афсуски, бу борада ҳам қонунбузилиш ҳолатлари аниқланаяпти. Хусусан, давлат ажратган маблағларнинг ҳақиқатан ночор оилаларга берилиши ўрганилганда 46 млн. 447 минг 122 сўмлик нафақа асосиз тайинлангани, шундан 23 млн.

Хусусий телеканални ривожлантириш учун 200 млн. сўм ажратилди.

сўмдан зиёд нафақа тўлаб берилгани маълум бўлди. Мазкур ҳолатлар юзасидан ўзини ўзи бошқариш органларининг 16 нафар мансабдор шахси маъмурий жавобгарликка тортилиб, асосиз тўланган нафақалар қайтарилди.

Йил бошидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ўтказилган теширишлар натижасига кўра 19 та протест ва 8 та тақдимнома киритилди, 6 киши эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ёшлар ҳақида гап борар экан, эътиборингизни мана бу маълумотларга қаратмоқчимиз. 2018 йилда Қорақал-

поғистонда манзилли рўйхат асосида 26 лойиҳага 4 млрд. 829 млн. сўм, 2019 йилда 23 лойиҳага 10 млрд. 55 млн. сўм кредит ажратилиб, 137 янги иш ўрни барпо этилди. Бу йил эса 3 та лойиҳага 1 млрд. 400 млн. сўм ажратилиб, 33 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Шунингдек, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида «Ёшлар – келажагимиз» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 112 та семинар, 17 та бизнес саёҳат ташкил этилиб, уларга 10 мингга яқин ёшлар жалб қилинди.

Айни кунда эса имтиёзли кредит олган айрим ёшлар аллақачон ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишга улгурди. Масалан, ёш тадбиркор А.Қуатов банкнинг 500 млн. сўм кредити эвазига эшик ва дераза ишлаб чиқариш цехини ишга туширди ва 7 та иш ўрни яратди. Шунингдек, «Нукус-саёҳат» МЧЖ ташкилотчиси С.Тилеўмуратовга хусусий телеканални ривожлантириш учун 200 млн. сўм ажратилиши натижасида 16 кишининг бандлиги таъминланди.

Шаҳар прокуратураси мурожаатлар билан ишлашга ҳам катта эътибор қаратган. 2020 йилнинг 1 июлигача шаҳар прокуратурасига жисмоний ва юридик шахслардан 1478 та мурожаат келиб тушди. Уларни ўрганиш натижасида аксарияти ҳал қилиниб, 300 га яқин шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланди. Масалан, Ш.Чориев ва бошқаларнинг мурожаатига кўра 100 млн. сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Савид ИМАТОВ,
Нукус шаҳар прокурори



FARMON VA IJRO

ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади. Унга мувофиқ содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 113 нафар фуқаро афв этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишлари учун уларга кўмак бериш бўйича топшириқлар берилганди.

Наманганда ҳам мазкур фармон ижросига доир бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, вилоятда яшовчи 6 нафар шахс муддатидан олдин шартли равишда озод этилди ва ўз уйларига қайтиб келди.

2020 йилнинг 28 август куни вилоят секторлари раҳбарлари вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносида афв этилган фуқаролар билан учрашди. Улар Наманган шахри (2), Наманган (2), Косонсой (1) ва Учкўрғон (1) туманларидан. Учрашувда соғлиқни сақлаш, ижтимоий кўникма марказлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддилари ва бошқа соҳа вакиллари иштирок этишди.

Учрашувда соҳиб маҳкумларнинг ҳар бири билан алоҳида мулоқот қилинди. Режалари билан қизиқилди. Ижтимоий ҳаётга мослашиб, жамиятда ўз ўрнини топиш имкониятлари ўрганилди.

– Афв этилган 113 нафар ҳамюртимиз сафида эканингизнинг ўзи катта имконият. Бундан унумли фойдаланиш, билдирилган ишонччи оқлаш керак. Бунинг учун ҳар қандай кўмакка тайёрмиз. Мутасаддиларга бу борада кўрсатмалар берилган. Сизлардан эса олдинги хатоларни такрорламаслик, ватанга фидойилик билан хизмат қилиш, фарзандларингизни юртнинг содиқ ўғлонлари этиб тарбиялаш талаб этилади, – деди **вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров**.

Афв этилган ҳамюртларимиз давлат раҳбарига ўзлари ва оилалари номидан миннатдорлик билдиришди. Учрашув якунида уларнинг ҳар бирига маънавий техникалар топширилди. Бундан ташқари, шаҳар ва туман ҳокимликлари хузуридаги ижтимоий кўникма марказлари



томонидан уларга БМХнинг 5,5-6 баробари миқдорда бир марталик, жами 7 млн. 646 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

МФЙ раислари, профилактика инспекторлари уларнинг хонадонига бориб, ҳар бири билан суҳбатлашди. Оилавий шароити, муаммоларини ўрганишди. Улар соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан ҳамкорликда тиббий кўриқдан ўтказилди. Икки нафарининг паспортининг амал қилиш муддати ўтгани сабабли уларга Наманган тумани ИИБ томонидан янги биометрик паспорт берилди.

Меҳнатга лаёқатли афв этилган шахслар жойлардаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳудудий комиссиялар, жамоат бирлашмалари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиmlари вакиллари билан ҳамкорликда фуқаролар йиғини баённомаларига асосан афв этилганларнинг ҳар бирига 3 нафардан мураббий бириктирилди.

– Бундан 12 йил аввал экстремистик оқим тасирига берилганимиз сабабли

уч ака-ука камалгандик, – дейди **Наманган туманидаги Тепакўрғон маҳалласида туғилиб ўсган Қудратилла Сиддиков**. – Мен уларнинг кенжасиман, ёшим 39 да. Уч йил аввал акам Собир Сиддиков афв билан уйга келди, мана бутун менга шундай имконият берилди. Ҳозир катта акам Фозил Сиддиков жазо ўтаётти. У киши учун ҳам ёруғ кунлар яқин деган умиддаман.

Вилоят раҳбарлари билан юзма-юз суҳбатлашганимдан, бизга кўрсатилган эътибордан жуда хурсандман. Менга уйимни таъмирлаб олиш учун пул, деҳқончилик қилиш учун ер ажратиб берилганидан бўлди. Албатта, қилган ишимдан пушаймонман. Отамдан эрта ажраганмиз. Бизни оқ ювиб, оқ тараган онаминг юзини ерга қаратдик. Энди дуоларини олиб, у киши учун суянч бўлиш, бизга билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

Дилшод АМОНОВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

БАҒРИКЕНГЛИК НЕГИЗИДАГИ ИМКОНИЯТ

Мамлакатимиздаги ислохотлар бағрикенглик билан амалга ошириляпти. Айниқса, бу тамойилнинг билиб-билмай жиноятга қўл урганлар ҳамда судланганларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши инсонпарварликнинг юксак намунасидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида жазони ижро этиш колонияларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўйича Кўнғирот прокуратураси томонидан ҳудуддаги 27 ва 28-манзил колонияларида жазо ўтаётган 209 нафар маҳкумнинг жазосини енгилроғи билан алмаштириш бўйича киритилган тақдимномалар кўриб чиқилди. Натижда жиноят ишлари бўйича Кўнғирот тумани суди томонидан ушбу тақдимномалар қаноатлантирилиб, маҳкумлар озодликка чиқарилди.

Албатта, бунда маҳкумларнинг тайинланган жазо муддатининг маълум бир қисмини ўтагани, жазони ўташ даврида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлгани, тартибга риоя қилгани, тузалиш йўлига ўтгани инобатга олинди.

Таъкидлаш жоизки, жазоси енгилроқ жазога алмаштирилганлар орасида ўта оғир жинояти учун суд ҳукмига биноан 18 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, тайинланган жазони тўққиз йилдан буюн ўтаб келаётган Е.Каримов ҳам бор. У белгиланган жазонинг ярмини ўтаб бўлгани сабабли жазо муддати ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилди.

Барчамизга маълум, халқимизга хос бағрикенгликнинг яна бир ифодаси сифатида 27 август куни Ўзбекистон Президенти «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади. Ушбу фармонга биноан 27-манзил колониясидан икки маҳкум асосий жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди. Бир нафар маҳкумнинг ўталмай қолган жазо муддати эса ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди. 28-манзил колониясидан икки нафар маҳкум асосий жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди.

Ҳа, билиб-билмай жиноят содир этган, аммо қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб тузалиш йўлига ўтган ушбу шахсларга ўз оиласи бағрига қайтиш учун яна бир имконият берилди. Ўйлаймизки, улар ушбу имкониятнинг кадрига етиб, ҳалол яшашга ҳаракат қилишади.

Хуршид ҚУРБАНБАЕВ,
Кўнғирот махсус прокурори

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.



Ўзбекистон прокуратура органларида 30 йилдан ортиқ самарали меҳнат қилган самимий ва камтарин инсон, жонкуяр устоз, меҳрибон ота, фидойи ходим Хамза Файзиев 61 ёшида вафот этди.

Албатта, бу прокуратура органлари учун йўқотиш бўлди. Хамза Хакимович ўзининг меҳнатсеварлиги, касбига фидойилиги, адолатпарвар ва ҳалоллиги туфайли барчанинг хурмат-эътиборини, ишончини қозongan эди.

Х.Файзиев 1959 йилда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. 1983 йилда Тошкент давлат университети тамомлаган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бухоро вилояти прокуратураси жамоалари

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Олот тумани прокуратураси терговчиси, Бухоро вилояти прокуратураси бўлим прокурори, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, туман прокурори, Когон ва Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси ҳамда вилоят прокурорининг ўринбосари лавозимларида ишлади. Шунингдек, у Бош прокуратурада бўлим бошлиғи, бошқарма катта прокурори, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди.

Х.Файзиев тизимда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашган.

Унинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳола-ниб, Х.Файзиев 2019 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Таърибали ҳуқуқшунос, меҳрибон устоз ва камтарин инсон Хамза Файзиевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади. Унинг яқинларига сабр-бардош тилаймиз!

ЭЪТИРОЗЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Ижтимоий тармоқларда Мажбурий ижро бюроси ҳақида тарқалаётган маълумотлар ўрганилиб, муурожаатчиларнинг масалаларни ҳал этиш чоралари кўриб борилмоқда.

Масалан, 2020 йилнинг 5 сентябрь кунин ижтимоий тармоққа Ш.Мелибоева номидан «Алимент олиш учун ёзув-чизув қилишдан чарчадим» номли хабар жойлаштирилди. Ўрганишда фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судининг 2018 йил 5 октябрдаги Азизбек Холматовдан Шаҳинабону Мелибоевага бир фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик даромадининг чорак қисми микдорда алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бюронинг Ўзбекистон тумани бўлимига 2018 йил 12 ноябрда келиб тушгани маълум бўлди.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг Ўзбекистон тумани Охтатогоб қишлоғидаги яшаш жойи кўздан кечирилганда хонадонда қарздорнинг бирламчи ахтиёжидан ортиқ мулки борлиги аниқланмаган.

А.Мелибоев Фаргона шаҳридаги 34-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаши аниқланиб, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 64-моддасига асосан 1 218 000 сўм

қарзи билан алимент ундируви 2019 йил 2 декабрда қарздорнинг иш ҳақи-га қаратилган.

Алимент тўлови ўрганилганда, 2020 йилнинг июнь ойига қадар қарздорнинг иш ҳақидан ушланган пуллар Шаҳинабону Мелибоевага почта орқали ойма-ой юборилгани аниқланган.

Шунингдек, А.Холматовнинг 2020 йил 1 июндан 18 июлга қадар таътилда бўлган даври учун алимент ҳисобланмаган бўлиб, июль ойининг 13 кунини учун қарздорнинг иш ҳақидан ушланган 149 000 сўм пул 3 августда почта орқали ундирувчининг манзилига юборилган.

Муурожаатни ўрганиш давомида қарздорнинг таътилда бўлган даври учун тўланмаган жами 510 000 сўм алимент пули 5 сентябрь кунин қарздордан тўлиқ ундирилиб, Ш.Мелибоевага тилхат орқали топширилди.

Жаҳонгир ҚИЛИЧЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

MUNOSABAT

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Фармонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишдаги асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди. Булар:

- 2030 йилгача Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишида парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинг ва индексларда



дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига киришини таъминлаш;

- инсон ҳуқуқлари бузилишига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизimini ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш;

- шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда

хусусий сектор фаолиятининг очиқлиги ва ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ва х.

Шу билан бирга мамлакатда фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар – келажгимиз» каби 20 дан ортиқ давлат дастурлари ва концепциялари амалга оширилмоқда.

Камбағал оилалар, ногиронлар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёлларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича ишлар қайта кўриб чиқилди. Гендер тенгликни таъминлаш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қаролатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни таъин ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуналар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз фаровон турмуш кечириши учун шароит яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

Шухрат АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
Нукус тумани прокурори

ETIROF

ИСТИҚЛОЛ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Мустақиллик – бебаҳо неъмат. Истиқлолимиз эркесевар аждодларимизнинг орзусини рўёбга чиқаргани, миллий ўзлигимиз ва қадриятларимизни тиклагани билан улуғ ва беқиёсдир.

Истиқлол даврида юртимизда мисли кўрилмаган Ислохотлар амалга оширилди. Барча жабҳаларда бўлгани каби мудофаа соҳасида ҳам кенг миқёсда ўзгаришлар қилинди.

Биргина мисол, ташқи сиёсатимизнинг мослашувчанлик ва очиқлик принципларига, энг асосийси, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш, ватанимиз суверенитетини мустаҳкамлаш тамойилларига таянган ҳолда Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Доктринада Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Куролли қучлар олдига турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямизни ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилди.

Шунингдек, ҳарбий округларнинг тузилиши ва вазифалари қайта кўриб чиқилди, барча бирлашма ва қисмларнинг тузилмаси тўлиқ янгиланди. Бўлимларнинг жанговар тайёргарлик билан тўлақонли шуғулланиши, ҳарбий хизматчиларнинг малакасини ошириш ҳамда ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажариш учун шай бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Қисқа қилиб айтганда, эришилган ютуқлар бизни шижоат билан хизмат қилишга руҳлантириб туради.

Акбар БОБОЕВ,
Чирчик ҳарбий прокурори

ХИЗМАТИНИ ҚИЛИБ, МУШТИНИ ЕДИ...

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Жасур (исмлар ўзгартирилган) айбига қисман иқдор бўлиб қуйдагиларни билдирди:

— 2019 йил август ойининг ўртала-рида танишим Давроннинг уйда пахса девор ураётгандик. Ҳамқишлоқларим Рамзиддин, Дўстмурод, Салоҳиддин тўртовимиз бирга ишладик. Биронтами-нинг иши чиқиб қолса ўрнига ҳамқиш-лоқлардан бирон кишини чақардик. Чунки пахсанинг иши оғир.

20 август куни шеригимиз Салоҳид-диннинг соғлиги бўлмай ишга чиқмади. Ҳамқишлоғимиз Мирзони бир кунлик ёрдамга чақирдик. 21 август куни эрта-лаб «Нексия» русумли машинада пахса ураётган жойга ишга бордим. Сайфид-дин ўзи ишга чиқди. Тушликкача Рам-зиддин, Дўстмурод, Салоҳиддин тўр-таламиз пахса урдик. Тушликда Мирзо ҳам келиб қолди. Бирга овқатланаёт-ганимизда ҳамқишлоғим Собир менга кўнгирик қилиб Мирзо билан гаплашти-ришни сўради. Мен Мирзога телефонни узатдим. Улар гаплашди. Кейин Мирзо «...усталар ишни тугатибди, пул бериш керак экан» деди. Қишлоқда Собир билан Мирзо шерикликда артезиан ўрната-ётган эди. Ярим пулини Мирзо бериши керак бўлган. Шунинг учун Мирзони чақиривётган экан. Мирзо менга: «Ма-шинангизда бориб келайлик», деди.

Соат 13:30 ларда Мирзо иккаламиз менинг машинада йўлга чиқдик. Ан-доқ марказидаги дўкон олдида тўхтадик. Мирзо дўконга кириб икки шиша арок ва 1,5 литрлик икки баклашка кола ва колбаса олиб чиқди. Кейин артезиан қа-зилган жойга бордик. Артезиан қазилган жойда Собир, Мирзо, уста ва мен тўр-таламиз ишни якун қилиш баҳонасида ўтирдик. Мирзо олиб келганларини ўр-тага қўйди. Собир ҳам икки шиша арок олиб келди. Жами уч шиша арок ичилди. Мен яна ишга қайтиб бориб ишлашим кераклиги ва машина бошқариб юр-ганим сабабли камроқ ичдим. Соат 16:30 ларда Мирзо билан бирга машинага ўти-риб кетмоқчи бўлдик. Машинами бура-ётганимда олд ўнг томон балонига қозик кириб кетди. Балондан айрилганим жуда алам килди. Ўзи мардикорчилик қилиб кун кўрсам, битта балон фалон пул тур-са? Юкхондан захира балонни олиб қўйдим. Кайфиятим бузилиб Мирзога «...сен учун келганим, битта балондан айрилдим» деб жажл билан гапирдим. Чунки Мирзо айтган жойга бориш ёқ-маганди. Каттик илтимос қилгани учун ноилж боргандим.

Мирзо иккаламиз машинада пахса ураётган жойимизга қараб йўлга чиқ-дик. У маст бўлиб қолган эди. Йўлда «...тўхтаган ташқарига чикмоқчиман» деди. Тўхтадим. Ўзим ҳам четроққа бориб ҳожат чиқариб машинам олди-га келсам, Мирзо машинанинг орқа эшиги олдида ҳожатини чиқараётган экан. Ач-чигим чиқиб «...узроқроққа борсанг бўл-майдимми?», дедим зарда билан. Мирзо машина эшигини бир урди.

Мен Мирзонинг олдида бориб маши-на эшигини ёпган эдим, Мирзо кутилма-

ганда пешонамга ўнг қўли билан мушт туширди, камига яна жуда кўпол сўқди. Алам килди: ҳам хизмат қилсанг, ҳам мушт есанг... Мирзо мендан ёш ва анча бақувват бўлгани сабабли унга кучим ет-масди. Шунинг учун алашимни ичгимга ютиб, машинага ўтириб, уни миндирмай кетвордим.

400-500 метрлар юргач, алашим ошиб бораверди. Ўзимдан ёш болага шунча хизмат қилиб, ҳам битта балон-дан айрилиб, яна мушт еб, ҳам сўқиб эшитиб кетаверишга чидамадим. Жаҳ-лим ўзимга зўрлик қилаверди. Шартта машинани орта бурдим. Аслида режам аниқ эмасди. Ҳаракатларимни бошқа-ролмаётган эдим. Унга кучим етмагани учун газабим, алашим кучли эди.

Мирзо йўл четида қишлоқ томон қайтиб кетаётган эди. Машинани ўрта тезликда ҳайдаб бориб орқасидан ур-дим. Мирзо отилиб кетиб машина ка-поти устига йиқилди, боши олд ойнага қаттиқ урилди. Олд ойнанинг ўша жойи синиб кетди. Мирзо ён томонга йиқилиб тушди.

Мен шунда бирдан ўзимга келдим ва кўрқиб кетдим. Мирзога ёрдам кўрса-тиш эсимга ҳам келган эмас. Машинани уч-тўрт метр ортага ҳайдадим-да, йўлга чиқиб уйга қайтиб кетиб қолдим. Ўша пайтда бир бола велосипедда келаётган эди.

Шу куни туман ИИБ ходимлари уйга келиб мени машинам билан олиб кетди, ўзимни шифокор кўригидан ўтказишди. Аслида ундан алашимни олмақчи эдим, холос. Бунақа бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Олдиндан ўртамизда зиддик бўлмаган.


Суд мажлисида берган кўрсатувларим тўғри, қилмишимдан чин кўнгиладан пушаймонман, қонуний енгиллик беришларингизни сўрайман...

Худди шу пайт велосипедда кела-ётган бола воқеани кўриб кўрққанидан тўхтаб қотиб қолди. Яқин атрофдаги мактаб қоровули югуриб чиқиб, боладан нимба бўлганини сўради. Бола айтди. Қо-ровул дарҳол ИИБ профилактика нозирини ёрдамчисига ва «тез ёрдам»га кўнгирик қилди.

Профилактика нозирини ёрдамчисини дарров етиб келиб, вазиятни назоратига олди. Бирламчи вазифаларини бажарди. Шу пайт «тез ёрдам» ҳам етиб келиб биринчи ёрдам кўрсатди ва Мирзони туман шифохонасига олиб кетди. Мирзо икки кун беҳуш ётиб, ўзига келмай вафот этди.

Жасурга 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жиноят қуроли деб эътироф этилган «Нексия» машинаси давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Улуғбек РАҲИМОВ,
Каттақўрғон тумани прокурорининг
ўринбосари



КАЙФИ ТАРАҚ ЗЎРАВОН

Сухроб ўша куни Янгиободда яшайдиган қайнукасиникига ўғли билан борди. Зиёфатда ароққа тўйган Сухроб маст ҳолда машина ҳайдашдан чўчиб, жияни Давронни телефон орқали чақириб олди. Машина рулини унга топшириб, ўзи ҳайдовчининг ёнига, ўғли эса орқага ўтиришди. Туман марказидаги бозор рўпарасида уларни ЙПХ инспектори тўхтатди.

— Хужжатларингизни кўрсатинг, — деди инспектор ҳайдовчига.

Рулда ўтирган Даврон шошиб қол-ди.

— Ака, хужжатлар уйда қолибди...

— Унда машинани жарима майдо-нига олиб бориб қўйишга тўғри кела-ди, — деди инспектор.

Инспектор рулга ўтириб, машина-ни жарима майдон томонга бошқариб бораётганида Сухроб билан Даврон-нинг у билан тортишуви авжга чиқди. Охири машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Сухроб инспекторни бўғиб, бошининг орқасига мушглаб, жағни тирнаб олди. Даврон эса чаққонлик билан машина қалитини сугурди.

Сухроб машинадан тушиб, инспек-торни сўка кетди. Даврон ва шу ерда ҳозир бўлган ҳайдовчилар уларни ажратишга уринди. Аммо Сухробни тўхтатишнинг имкони йўқ эди. Охири у машинасига ўтириб қочиб қолди. Инспекторнинг бош қийими ва теле-фони машинада қолиб кетганди....

Инспектор А.Авазов рация орқа-ли Косон тумани ИИБ навбатчилик қисмига хабар берди. Профилактика инспектори И.Файзуллаев етиб ке-либ, Даврон Шамсиевни ички ишлар бўлимига олиб кетди. Шундан сўнг Сухробни ҳам уйидан ушлаб келишди. Унинг машинаси ҳам эвакуаторда жа-рима майдонига келтирилиб, маъму-рий баённома расмийлаштирилди.

Профилактика инспектори И.Фай-зуллаев Сухроб Жумаевни тинтув қи-лиш учун вақтинча ушлаб туриш хо-наси олдида олиб борганида ҳам унинг қайфи таркамаган эди. У атрофдаги ходимларни тинимсиз ҳақорат қилар-ди.

Сухроб ўзини тинтув қилаётган инспекторга қаршилик кўрсатиб, унинг иккала елкасидан тортиб, пешо-насига зарб билан қалла қўйди. Инс-

пекторнинг кўз олди қоронғилашиб, ерга ўтириб қолди...

Жиноят ишлари бўйича Мубо-рак тумани суди томонидан Косон шаҳрида ўтказилган очик суд мажли-сида Сухроб Жумаевнинг жиноят иши кўрилди. Қайд этилишича, судланувчи 1975 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз. Оилали, уч фарзанди бор. Илгари қилган жинояти учун икки йил ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қи-линган. Жазонинг бир қисмини ўтагач, шартли равишда озод қилинган.

Суд мажлисида Сухроб Жумаев айбига иқдор бўлиб, қилмишидан пу-шаймонлигини, аммо ИИБ ходимлари унинг қовурғасини уриб синдириш-ганига қонуний баҳо берилмаганини қайд этди. Бироқ унинг бу даъво-си ўз исботини топмади. Аксинча, муштумзўрининг ўзи ички ишлар хо-димларининг қонуний талабларига бўйсунмасдан, уларга жароҳат етказ-ганлиги гувоҳларнинг кўрсатувлари ва бошқа бир қатор далиллар билан исботланди.

Суд ҳукми билан Сухроб Жумаевга уч йил озодликни чеклаш жазоси та-йинланди. Жабранувчиларнинг етказ-илган зарар бўйича даъвоси йўқлиги қайд этилди.

Зарар ва наф тушунчасини тур-лича ифодалаш мумкин. Шубҳасиз, Сухроб сингари кишиларнинг қилми-ши жамият учун, оиласи ва яқинлари учун қони зарар. Аммо у тўғри йўлни танлаб олса, атрофдаги минглаб ин-сонлар сингари элига наф келтириб, дуо олиши ҳам мумкин эди. Озодлиги чекланган Сухробнинг бу хуСУСДА ўй-лаб олишига хали вақти кўп...

Обид ХУРРАМОВ,
Муборак тумани прокуратураси
терговчиси

ОНА ТИЛИМ, КЕЧИР МЕНИ, ОНА ТИЛИМ!

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,
Шеър ёзди му бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,
Бир эласам эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Севимли шоирим Мухаммад Юсуфнинг шу шеърини беш яшар ўғлимга ёдлатаётганимда у «Ойижон, она тили нима ўзи? Ундан нега кечирим сўраяпмиз? У ҳам одамми?!» деб сўраб қолди. Тўғриси, аввалига жавоб тополмай каловланиб қолдим. Кутилмаган савол кишини бироз шошириб қўяркан.

– Ўғлим, ҳар бир инсон дунёга келар экан, унинг меҳрибон ота-онаси бўлгани сингари ўзлигини англатиб турувчи она тили бўлади. Ана шу тилда сўзлашиб, уни мадҳ этувчи шеърлар, кўшиқлар ёзади. Она тилини мукамал ўрганади, кўз қорачигидек авайлайди. Уни ҳимоя қилади.

Ўғлим гапларимдан нималарнидир тушунгандай «хмм» деганча бош ирғаб қўйди. Аммо ўзим ўйланиб қолдим. Она тилимизни қай даражада асраб-авайлаб, ҳимоя қилаяпмиз? Унинг қадрига етаяпмизми?! Бу савол ҳар биримизни ўйлашга ундайди.

Ўзбекистон Конституциясида давлат тилининг мақоми мустақамлаб қўйилган. «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши она тилимизнинг ривожланиши учун кенг имконият яратди. Шу тариқа ўзбек тили маънавиятимизнинг байроғи, герби, мадҳияси

қаторида турадиган, қонун билан ҳимоя қилинадиган ватан тимсолларидан бирига айланди.

Ўзбек тили дунёдаги қадимий, гўзал ва бой тиллардан бири ҳисобланади. Тилнинг беқиёс имкониятларини қадимги тошбитикларда, халқимизнинг замонлар синовида ўтиб келётган мақол ва иборалари, дostonлариди, шоир ва ёзувчиларимиз асарларида яққол кўриш мумкин. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону Луготит турк» китоби, Аҳмад Яссавийнинг хикматлари, Али-

шер Навоийнинг «Хамса»си, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си, Машраб, Огаҳий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Матназар Абдулҳаким, Мухаммад Юсуфнинг асарлари она тилимизда ёзилган бебаҳо дурдоналардир.

Она тилимизга муҳаббатни одамларнинг самимий суҳбатларида кўриб, беихтиёр шундай эл фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз. Зеро, тил инсон кифоиси ва ички гўзаллигини намоён этадиган энг гўзал туйғудир. Ўз тилига муҳаббатли инсон халқини, ватанини, қадриятларини, маданий меросини ҳам эъзозлайди. Алишер Навоий бобомиз бежиз «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» дея ёзмаган.

Аммо бугун ҳамюртларимизнинг саводхонлик масаласига эътиборсизлик қилаётгани дилни хира қилади. Ташкилот ва муассасалар чикараётган хат-хабарлардаги имло хатолари уларни қизиқтирмайди гўё. Яқинда бир ташкилот ўтказган тадбирни ёритиш учун қўлимга пресс-релиз беришди. Тўғриси, бир энлик маълумотда шунча хато қилиш учун киши, Фафур Гуломнинг таъбири билан айтганда, дарсхонада эмас, хирсхонада таълим олган бўлиши керак. Биргина хат бошидаги хатоларга эътибор беринг: «Тумнамига амлга иширилгани ишлор ҳақда малумот берса му-туҳасисилар ҳаммаси ҳақда хабр беради». 37 қатордан иборат хабардаги имловий ва услубий, тиниш белгилари билан боғлиқ

хатоларни тўғрилаб чикар эканман, қоғоз юзи олмадек кизарди. Бу ҳам етмагандек, телефонимга келган «Эсемесми бкийўтган 4иройили қғузали» мазмунидagi хабар хайратимни оширди. Тўғриси, жумланинг маъносига унчалик тушунмадим. Хабарни юборган кишига қўнғирок қилиб, хабар мазмунини сўрасам, «Хабаримни ўқидингизми, чиройилларнинг гўзали?» дейди. Мана сизга она тилимизга муносабат. Бу эътиборсизлик белгисми ё саводсизлик?

Кейинги пайтларда аксарият ҳамюртларимиз ижтимоий тармоқларни кузатишга одаганди. Тармоқни кузатсангиз, фойдаланувчилар ўзаро ёзишмаларда ch, o' ёки sh харфлари ўрнига 4, 6 ёки w белгиларидан фойдаланади. Тўғри ёзиш керак деган танбехга телефонидан шунака босилиб кетди деган жавобни оламиз. Барака тоғгур, ўша телефондagi харфларни ўзингиз терасиз-ку.

Халқимизда «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган нақл борки, бу сўзга нисбатан хурмат-эътиборни ифодалайди. Шундай экан, ёзаётган сўзимизни, айтаётган гапимизни тўғри ифодалаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Зеро, келажак авлод нотўғри ёзишмаларимиздан, асоссиз сўзларимиздан «иборат» олмаслиги учун бугундан тўғри ёзиш ва гапиришни ўрганайлик.

Нигина ШОЕВА,
журналист



JINYOAT HAQIQATI VA ADOLATI

ШИФОКОРНИНГ ЛОҚАЙДЛИГИ

Туғурук бўлимига тўлғоқ тутиб келган ҳомиладор аёлни акушер-гинеколог Зинура Жамилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Соғлиқни сақлаш тизимидаги туғурук муассасаларида перинатал ёрдам кўрсатишнинг сифатини ошириш бўйича миллий стандарт талабларига мос равишда қабул қилмаган, ҳомиладорнинг ҳолатини белгиланган тартибда кўриб, керакли чораларни кўрмаган. Тўлғоқ қийнаб қайтиб келганида ҳам олиб қолмасдан, туғиш вақти-соати етиб келмаганини важ қилиб, уйига қайтариб юборган. Қасб вазифасини виждонан бажармагани оқибатида ҳомиладор аёл вафот этган, ҳомиласи нобуд бўлган. Судда олтмиш ёшдан ўтган, афтидан дийдаси қотиб қолган акушер-гинеколог айбини тан олмади.

Мохираҳон Тойжонова ўн йил аввал турмушга чиққан, эри билан аҳил яшаган, икки фарзанд кўришган. Ҳомиладор бўлиб илк кўриқдан ўтганида тахлиллари яхши чиқади, врачлар ўзи ва ҳомиласи соғломлигини қайд этишади. Ой-кунни яқинлашгунича уй ишларини бемалол бажариб юради. Шу яқинда бўлган ота ҳовлисига пиёда бориб-келиб туради. Ўша кунни ота ҳовлисига борганида, кундузи соат иккиларда тўлғоқ бошланади. Кечки пайт соат етти яримларда тўлғоқ ҳар беш минутда қайтарилади. Бели ва қовуғида оғрик кучаяётганини айтиб, «доктор чакирмасанглар бўлмайди» дейди. Онаси «тез ёрдам»га қўнғирок қилади. Ўн дақиқада етиб келган «тез ёрдам» машинасида уни туман тиббоний билимнинг туғурук бўлимига етказишади. Онаси Ҳидоятхон ая бирга боради.

Навбатчи доя Замираҳон Аҳатова онасига «ҳали бачадони оғзи очилмади, эрта келибсизлар, ҳозир доктор келиб кўради, унча УТТ аппаратига тушиб туринглар» дейди. УТТ ҳомила яхшилиги ҳақида хулоса беради. Юрак уриши ҳам яхшилиги қайд этилади. Орадан уч соат ўтгач, акушер-гинеколог Зинура Жамилова Мохираҳонни юзакни кўриқдан ўтказиб, ҳомиласини кўриб, ҳали вақти-соати етмагани, уйга кетаверишлари, эртаси куни кечки пайт соат 18:00 ларда келишлари лозимлигини уқтиради. Ҳидоятхон ая кўнмаса-да, тўлғоқ тутиб қийналаётган Мохираҳонни олиб қолишмайди. Кетказиб юборишади. Куёви гаплашган машинада кетишганда туман маркази яқинида Мохираҳоннинг ахvoli оғирлашади. Ҳайдовчи орта қайтиб, тунги соат бирларда туғурук бўлимига етказиб боради.

Навбатчи доя З.Аҳатова Мохираҳонни ётқизиб кўради, «бачадони эшиги очилмади, ҳеч ким қарамайди барибир, ундан кўра уйга олиб бориб, чой-пой ичириб, қараб туринг, доктор айтди-ку, кеч соат 18:00 ларда очиларкан, ўшанда олиб келасиз» дея дори ёзиб беради. Ҳайдовчи она-болани уйига элтиб қўяди.

– Тунги соат учларда учинчи марта кизимни туғурук бўлимига олиб бордим, – дейди Ҳидоятхон ая. – З.Аҳатова кизимни кўрди. 10-12 дақиқадан кейин уни иккинчи каватга олиб чиқиб кетишди. Қизим «ёриб олинглар» деб роса доллади. Мени санитар чакирди. Кириб борганимда, кизимнинг оғзи-бурнидан қон келиб, аранг нафас олаётганди. Докторлар сунъий нафас беришни уламасдан қараб туришганди. Эрталаб кизим вафот этди. Куёвим келиб «қўлдириб қўйдиларингми?» деб бақирди. Вақтида тўғри

қарашганида кизимдан, набирамдан айрилиб қолмасдик.

Суд тиббий эксперти «ҳомиладор аёлнинг ахvoli тўғри баҳоланиб, ташхис қўйилиб, тахлиллари кўриб чиқилиб, ўз вақтида туғурукхонага ётқизилиб, ма-лакали тиббий ёрдам кўрсатилганида ўзи ва ҳомиласининг ҳаёти сақлаб қолиниши мумкин эди» дея ўз хулосасини айтди. М.Тойжонова дастлаб шикоят билан туғурук бўлимига келган вақтда қонун-қоидага биноан унинг қон босими, пулси, ҳомиланинг юрак уриши, ҳомиладорда тўлғоқ давомийлиги аниқланиши, УТТ текширувидан ўтказилиши, умумий ҳолати баҳоланиши лозимлиги, бироқ юқоридakilарни тасдиқловчи бирон-бир ҳужжат йўқлигини қайд этди. Иқрор бўлмас-да, марҳумнинг яқинларига моддий ва маънавий зарарни қоплаган, айби гувоҳларнинг кўрсатмалари, инкор этиб бўлмас далиллар билан тасдиқланган З.Жамиловага муайян муддат соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда озодликини чеклаш жазоси тийинланди.

Ойбек ХОЛМАТОВ,
Ёзёвон тумани прокурорининг
катта ёрдамчиси

Ўзбекистонда 5 йилга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинади.



ҒАФЛАТДА ҚОЛГАН АЁЛ

Кўп нарса ниятга боғлиқ. Кейинги пайтларда қандай қилиб бўлса-да пул топиш йўлини излаётган Зайнаб Мираббосова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тез-тез ёлғон ишлата бошлади. Асосийси, тингловчининг ишончига кириш. Қайсидир даврада кўшни аёл Шоҳида ногирон аёллар интернатида кундузги сменадан кечки сменага ўтсам яхши бўларди деганини эшитиб қолган эди. У «иши»ни шундан бошлади.

– Алло, ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом.

– Мен ҳокимиятдан Зайнаб опангизман, Мираббосова, – деди ўзини раҳбарлардек тутиб. – Сизларда Шоҳида деган аёл ишлайди. Ўша аёлни кечки сменага ўтказиш керак.

– Буни мен эмас, раҳбаримиз ҳал қилади, – деди интернат ходими.

Шундан кейин Шоҳиданинг иши битди. Шу воқеадан сўнг телефонига кўнғироқ қилган аёл ўзини Мавлуда деб таништирар экан, ишга жойлаштиришда ёрдамга муҳтожлигини билдирди. Ўз навбатида овни пойлаб юрган Зайнаб Мираббосова хурсанд бўлиб кетди.

– Танишлар бор. Аммо... биласиз-ку... ҳозир харажатсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайдми. 650 доллар берсангиз, мен сизни аёллар интернатида ишга жойлашга ҳаракат қиламан.

У ҳаракатларини давом эттирди. Аввалги танишларига кўнғироқ қилди. Ушбу суҳбат боис танишиб қолган ходим 2019 йил ноябрь ойида муассасага бўлган кўнғироқда таниш овозни эшитиб хушёр торгди. Кўнғилда «ҳокимиятдан» деган фикр ялт этиб ўтди.

– Танидингизми?

– Танидим, опа.

– Сизларда бўш иш жойи борми?

– Бу масалада бошлиғимизга теле-

фон қилинг.

Зайнаб мурувват уйи раҳбари билан боғланиб ҳам ўтирмади. Айтгани қўлга кирса, қолгани бўлаверади...

Ёрдам сўраган Мавлуда билан телефонлашиб, учрашиб ишини пишитиб қўйди. Аввалига 350 АҚШ доллар, ишга жойлашиб олгач эса қолган 300 АҚШ долларини беришга кўндирди.

2019 йил 6 ноябрь куни Бухоро марказий бозорига кириш жойидаги биринчи светофор олдида «мижоз» билан учрашган Зайнаб Мираббосова 300 доллар ва 450 минг сўм пулни олиб сумкасига жойлаштираркан, светофорнинг кизил чирғи узоқ вақт ўчмай тургандек туюлди. Тақияк белгиси гўё фирибгар аёлга ҳаракати ноқонунийлигини эслатаётгандек эди.

Суд ҳукмига кўра жавобгарликка тортилган Зайнаб Мираббосова энди қилмишидан хулоса чиқарар. Балки бу хато уни бундан кейинги ноқонуний ишлардан сақлаб қолар...

Машойихлар айтганидек, ёлғон айтгучи ғафлатдадир. Зайнаб Мираббосова ҳам ҳақиқат олдида ғафлатда қолган эди.

Шоҳрух ИСТАМОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти
бошқармаси инспектори

50 МИНГ СЎМЛИК ҚАЙТИМ

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Қашқадарё вилояти бошқармаси ходимлари томонидан фирибгарлик, порахўрлик, талон-торожлик билан боғлиқ кўплаб жиноятлар фош этилмоқда. Бундан шундай хулоса чиқадики, одам боласи нафснинг қулига айланса, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан қуришга одатланади.

Фуқаро У.Ё. ҳам ана шундай кимсанинг тузоғига илинди. Унинг Давлат захираларини бошқариш қўмитасига ишга киришига ёрдам беришини ваъда қилган М.М. гапида турмади. Энди вақ бир миллион сўмни олгандан кейин бу ёғни ҳам бажариб қўйиши керакми, керак. Барибир натижаси ўзи айтганидай бўлмади. На ишдан дарак бўлди, на пулни қайтарди.

Охир-оқибат У.Ё. шу масалада департаментнинг вилоят бошқармасига мурожаат қилди. Шунга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда М.М.нинг ёлғони ошкор бўлди. У илгари ҳам фирибгарлик қилгани учун жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукми билан 3 йиллик ахлоқ тугатиш иши жазосини ўтаб келаётган экан. Ҳали оқланмасидан яна хунар кўрсатибди.

М.М. фуқаро У.Ё.га ундан олган бир миллион сўми ҳисобидан 50 минг сўмни қайтариб берган вақтида ашёвий далил билан ушланди.

Терговга қадар текшириш жараёнида М.М. қолган 950 минг сўмни ҳам қайтарган бўлса-да, бу гал ҳам жазосиз қолмади.

Улугбек АЗИМОВ,
департаментнинг Қарши шаҳар бўлими бошлиғи

КОНДИЦИОНЕР МОТОРИ ҚАЕРГА КЕТДИ?

Маҳалла ҳудудида кўпларга асқотиб турган «Гўзаллик салони»нинг пештоқидagi кондиционер эрталабданоқ яхши ишламай қолди. Хўш, унга нима бўлди? Деворнинг кўчиб тушган қисми кўрган кўзга хунук кўринар, дилни ғаш қиларди. Бу жиноятни ким содир қилгани устида қонун нозирлари бош қотира бошлади ва тез орада калаванинг учини топишди.

Пахтабод туманида туғилган, илгари ҳам бир неча бор кингир ишга қўл урган Сарвар Олтиев тинчгина «Дамас» хайдаб, одамларнинг узоғини яқин қилиб юрганди. Нима бўлди-ю, Андижон шаҳрида туғилган, ўзи каби аҳолига пулли транспорт хизмати кўрсатадиган Анвар Аслидинов билан гаплашиб қолди. Икки хайдовчи гапни бир ерга қўйдилар.

Улар дастлаб юқорида айтилган маҳалладаги «Гўзаллик салони»дан кондиционер моторини ўмариб кетишди. Кунлар ўтиб бораркан, ўзларининг назарида ҳаммаси жойида, қилмишлари иш ошкор бўлмайдигандек эди. Чунки Сарвар ва шериги бундан аввал ҳам Пахтабоддаги маҳаллалардан бирида жойлашган аптека пештоқидagi кондиционернинг моторини ўмариб кетишган, дорихона мудирини Салтанат Муслимовага бу ўғирлик 2 млн. 952 минг сўмга тушганди. Шу воқеанинг эртасигаёқ Пахтабоддаги яна бир шахснинг кўзойнак таъмирлаш дўкони кондиционери ҳам моторидан айрилди. Оғайнилар бир қарашда кўзга ташланмайдиган, машинага ташланса бир бурчидан жой олувчи, аммо суммаси катта бу матоҳга энди астойдил қизиқиб қолишганди. «Яна битта иш бор», – шипшиди телефонда Сарвар ўртоғига. Анвар ҳам бунки чинтасига катта ютук чиқадигандек севинч билан қаршилади.

Орадан беш-олти кун ўтиб яна бир аёлнинг дўкони деворидagi кондиционернинг моторини чиқариб олиб кетишди.

Бу орада Сарварнинг машинаси йўл ҳаракати нозирлари кўрсатмасига биноан жарима майдонига олиб кириб қўйилди. Ана шундан кейин Сарвар машинасини олиб чиқиш пайига тушди.

Ўзининг иши билан шугулланаётган терговчига ялиниб-ёлворди. Унинг юмшамаганини кўриб, агар машинасини жарима майдонидан чиқариб берса, 200 доллар ва битта принтер совға қилажagini таъкидлади. Қарасизки, битта жиноят иккита бўлди. Сарвар терговчига ваъда қилинган пул, рангли принтер ва битта мониторни бераётганида ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Ундан бир қанча кондиционер моторлари ҳам олинди, бутун сири фош бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Пахтабод тумани судида айбига иқрор бўлган Сарвар машинасини қарзга олгани, кредит тўлаб келгани сабабли кингир ишга қўл урганини тан олишдан ўзга чора тополмади. Унга 3 йилу 2 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Бемор аёлининг соғлиғи билан боғлиқ харажатларни рўқач қилиб Сарварга ҳамтовоқ бўлган Анвар эса қилмиши учун 2 йил озодликни чеклаш жазосига тортилди. Шериклар ўмариб кетган барча моторлар жабрланувчиларга қайтариб берилди.

Умаржон МАМАЖОНОВ,
департаментнинг Пахтабод тумани бўлими
инспектори

20 МИНГ ДОЛЛАРЛИК КЕЛИШУВ

Ҳозирги кунда ер ажратиб бераман, уй олиб бераман ёки ўқишга киритиб қўяман деган ваъдалар билан пул ишлашни касб қилганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Айниқса, давлат ташкилотининг юқори лавозимларида ишлаб, коррупцияга қўл ураётганларнинг учраши ачинарли ҳол.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси ва давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган тадбирда ана шундай ноқонуний ҳаракатга чек қўйилди.


Тупроккаля тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи С.Б. шу туманда яшовчи тадбиркор Ш.Т.нинг балиқчилик билан шугулланиш режасидан хабар топади. Яъни Ш.Т. ўзига тегишли масъулияти чекланган жамият қошида балиқчилик кўли ташкил этиш учун 15 гектар ер ажратиб беришни сўраб туман кадастр бўлимига мурожаат қилади. С.Б. мазкур жараён тезроқ ечим топишини айтиб, иш битиши эвазига 20 минг АҚШ долларини сўрайди.

Ноқонуний ҳаракатдан норози бўлган жамият раҳбари ушбу жиноятга барҳам бериш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилади.

Унга асосан ўтказилган тадбирда кадастр бўлими бошлиғи тадбиркордан пора тарикасида 20 минг доллар олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Инсон ўз нафсини жиловлай олмаса, разолат ботқоғига ботиши тайин экан. Нафс балосига гирифтор бўлган С.Б. энди содир этган қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур. Унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб боришмоқда.

Дилрабо КУРЯЗОВА,
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори



СОБИҚ ФАРЗАНДЛАР БЎЛМАЙДИ...

Хар қандай жамиятда айрим сабабларга кўра ажрашган оилалар бўлади. Лекин бу ота-оналарни фарзанд тарбияси, моддий таъминоти билан боғлиқ масъулиятдан озод қилмайди. Маълумки, алимент ойма-ой тўланади. Бироқ юртимизда фарзанди учун алиментни олдиндан бериўла тўлаётган ёки алимент ўрнига кўчмас мулкни ҳада этаётганлар ҳам йўқ эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-қарори билан «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида»ги низоом тасдиқланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманларо судининг 2019 йил 7 февралдаги ижро варақасига асосан Н.Тожибоевдан С.Абдурахмоновага фарзандининг моддий таъминоти учун хар ойлик даромадининг ¼ қисми миқдориди алимент ундириш белгиланган. Мазкур ҳужжат Мажбурий ижро бюроси Наманган тумани бўлимига келиб тушган ва ишга киришилган.

Ижро ҳаракатлари давомида Н.Тожибоевдан С.Абдурахмоновага 112 056 000 сўм алимент пули ундириб берилди ва ижро ҳужжати қонунда белгиланган тартибда тамомланди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманларо судининг 2018 йил 28 августдаги ижро ҳужжатига асосан Х.Бердибоевдан Д.Хўжалипасовага фарзандининг моддий таъминоти учун хар ойлиги даромадининг ¼ қисми миқдориди алимент ундириш белгиланган.

Мазкур ҳужжат юзасидан Мажбурий ижро бюроси Хўжайли тумани бўлими томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилган. Жумладан, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 64-моддасига асосан Х.Бердибоевнинг иш жойига талабнома юборилган ва масъулиятли ота алиментни 2020 йилнинг январь ойига қадар узлуқсиз тўлаб келган.

Лекин айрим сабабларга кўра январь ойидан доимий даромадсиз қолган ота сентябрь ойигача алимент тўлаб олмаган ва қарзи 4 млн. 588 минг сўмдан ошиб кетган.

Давлат ижрочилари унга алимент тўламаслигининг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиргандан сўнг қарздор алимент эвазига ўз уйини бериш истагини билдирган.

Шундан кейин давлат ижрочиларининг кўмағида Х.Бердибоев 26 август куни собиқ турмуш ўртоғи билан келишган ҳолда ўз уйини унга нотариал тартибда расмийлаштириб берди.

Хозирги кунда мазкур ижро ҳужжатини тамомлаш учун фуқаролик ишлари бўйича судга тақдимнома юборилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманларо судининг 2020 йил 21 июндаги қарорига асосан отадан вояга етмаган тўрт фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Бироқ ота мажбуриятини етарли даражада бажармагани оқибатида қарздорлик вужудга келган.

Мажбурий ижро бюроси Китоб тумани бўлими ходимлари алимент тўламай юрган К.Мирзаевага бунинг учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини тушунтирган. Шундан сўнг у алимент ўрнига ундирувчига ўз номидаги «Damas» машинасини тақлиф қилди. А.Султонова тақлифни қабул қилгач, машина унинг номига ўтказиб берилди. Шу билан ижро иши тамомланди.

Эл бошига иш тушган бугунги кунда ҳеч кимга осон бўлаётгани йўқ. Фарзандларга алиментни ўз вақтида тўлаб бериш айниқса бугунги вазиятда хар қачонгидан кўра зарур эканини оталар унутмаслиги зарур!

Фаррух ТОШПУЛАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
МИБ бўлим бошлиғи

ОИЛАЛАР ЯРАШТИРИЛДИ

2020 йилнинг август ойида бюронинг Сергели тумани бўлими томонидан алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилиши натижасида бир қатор ҳужжатлар бўйича тарафлар яраштирилди.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманларо судининг 2020 йил 24 январдаги ижро варақасига асосан С.Мақсудовдан А.Мақсудовага икки фарзандининг моддий таъминоти учун, 2017 йил 3 январдаги ижро варақасига асосан Б.Мусаевдан С.Мусаевага бир фарзандининг моддий таъминоти учун, 2020 йил 24 февралдаги ижро варақасига асосан А.Ҳикमतовдан Р.Ҳикматовага бир фарзандининг моддий таъминоти учун, 2019 йил 27 сентябрдаги ижро варақасига асосан У.Салоховдан Н.Салоховага бир фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари тарафлар ярашгани сабабли тамомланди. Тарафлар бюронинг туман бўлимига давлат ижрочиларининг саъй-ҳаракатлари юзасидан ташақкур билдиришди.

Дарҳақиқат, ҳеч бир бола ота меҳридан бебаҳра ўсмасин. Оилалар мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлса, уларда ватанимиз келажаги учун муносиб авлодлар камолга етади.

Самандар САДИРОВ,
МИБ Сергели тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

«САРТИВА» ХАТЛАНГАЧ, ҚАРЗ ТЎЛАНДИ

Хозирги пайтда кўплаб ривожланган давлатларда солиқни тўламаслик, даромадни яшириш жиноят сифатида баҳоланади. Солиқларни ўз вақтида тўлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Ўз вақтида тўланмаган солиқларни ундириш учун Мажбурий ижро бюроси Сурхондарё вилояти бошқармаси ва солиқ хизмати органлари ходимлари ҳамкорлигида қарздор корхоналарнинг мулклари кўздан кечирилиб хатланди.

Жумладан, Кумқўрғон туманидаги «Анхор» фермер хўжалиги 33 млн. сўмлик қарзини тўламай келаётган эди. Мазкур хўжалиқнинг «Сартива» автомашинаси хатлангач, орадан кўп вақт ўтмай фермер маблағ топиб солиқни тўлиқ тўлади.

Шунингдек, тумандаги «Гулистон МНЗ» фермер хўжалигининг 10 млн. сўмлик ҳамда «Мусурмон Аллаёров» фермер хўжалигининг 6,1 млн. сўмлик қарзи учун ҳам уларнинг «Сартива» автомашиналари хатланди. Натижада ушбу хўжалиқлар ҳам бир зумда қарзларини тўлаб беришди.

Бу каби тадбирлар Шўрчи туманида давом эттирилди. «Зухриддин-Захириддин» масъулияти чекланган жамияти ҳам 102 млн. сўмлик қарзини тўлашни пайсалга солиб келаётгани боис корхонанинг «Шасман» русумли юк машинаси хатланиб, сотиш чоралари кўрилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, биргина август ойида Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан 610 та қарздор корхонанинг мулк хатланиб, 18,5 млрд. сўмлик қарзи ундирилиши таъминланган.

Равшан НАМАЗОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи

ҲУҚУҚБУЗАРНИНГ ОЗОДЛИГИ ЧЕКЛАНДИ

Дўстлик туманида Мажбурий ижро бюроси ходимига қаршилик кўрсатиб, жароҳат етказган шахснинг озодлиги чекланди.

Ҳақ шундаки, бюронинг Дўстлик тумани бўлими ходими Д.Тошмаматов ўзига бириктирилган ҳудудда яшовчи Ў.Носировнинг хонадони электр энергиясидан узиб қўйилган бўлса-да, электр энергиясидан 1 млн. 513 минг 226 сўм қарзини ундириш мақсадида борганида хонадон электр тармоғига ноқонуний равишда уланганини кўрган. Сўнг катта инспектор С.Ҳасановни ёрдамга чақириб, у билан бирга ҳолатни расмийлаштирмоқчи бўлганида хонадон эгаси Ў.Носиров С.Ҳасановга қаршилик кўрсатиб, хонадонига киритмасдан, бўйнига муштраб жароҳат етказди ҳамда ҳақорат қилди.

Шундан сўнг Ў.Носировга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суд жиноят иши материалларини хар томонлама ўрганиб, Ў.Носировга нисбатан 1 йил озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

Ҳаёт ИСМАТОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси шўъба катта инспектори
вазифасини бажарувчи

СОЛИҚ УНДИРИЛДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманларо судининг 21 та ижро ҳужжатида С.Турсуновдан Навоий шаҳар ДСИга жами 932 млн. сўмдан ортиқ солиқ қарзини ундириш белгиланган.

Мазкур ҳужжатлар бюронинг Навоий шаҳар бўлимига келиб тушган. Улар бўйича ижро ҳаракатлари олиб борилиб, қарздорнинг мулклари давлат ижрочилари томонидан ўрганилган.

Навоий шаҳар Тинчлик қўрғонига жойлашган «Иссиқлик ажратиш ва кимё саклаш базиси» қарздорга тегишли эканлиги маълум бўлган ва солиқ қарзини қоплаш мақсадида ушбу бино 2 млрд. 112 млн. сўмга баҳоланиб, 2019 йилнинг июнь ойида онлайн аукционга чиқарилган. Савдо натижасига кўра ушбу бинога харидорлар кизиқмагани сабабли мулк кўп вақт сотилмай қолган.

2020 йилнинг июль ойига келиб мулкнинг қиймати 50 фоиз қисқариб, аукцион 38-мартга ўтказилиши натижасида бино 1 млрд. 56 млн. сўмга сотилди ва 21 та ҳужжатнинг ижроси тамомланди.

Бундай назорат тадбирлари карантин даврида ҳам тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.

Рустам ҚАҲРАМОНОВ,
МИБ Навоий вилояти бошқармаси инспектори



RIZQI BUTUN EL

ДАЛАДА ОНЛАЙН ИШЛАБ БЎЛМАЙДИ

Бутун ер юзини ташвишга солган, қолаверса, инсониятни бир нуқтада бирлаштирган муаммо қачон, қандай рўй бергани ҳақидаги фикрлар ҳар хил бўлиши мумкин. Аммо юксак тараққиёт асри бўлган XXI асрда бундай ҳол рўй бериши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бўлса керак. Ана шундай жиддий синов юртимизда ҳам ўзига хос тарзда кечмоқда. Мамлакатимизда коронавирус пандемияси бошланган илк ҳафтада айрим ваҳимакашлар ҳовлиққанча халталаб бугдой, ун жамғаришга киришгани ҳам барчамизнинг ёдимизда. Бу борадаги тақчилликнинг олдини олиш учун Қашқадарёда барча имкониятлар ишга солинди. Ана шундай қийин шароитда вилоят ғаллакорлари давлатга режадаги 424,1 минг тонна ўрнига 460 минг тонна дон сотгани ҳақидаги хушхабар қалбларга илиқлик бахш этди. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 45-60 центнер бўлди.

САФАРБАРЛИК ВА ЖОНБОЗЛИК МЕВАСИ

Ўзбек дехқони бу дунёга нолиш учун эмас, олами яшнатгани, гуллатгани келган. Кексалар дуога қўл очганида «Ризқ-насибамиз бутун бўлсин!» дея тилак билдирадилар. Ризқ инсонга Аллоҳнинг инъоми бўлса-да, меҳнат билан яратилади. Энг олий неъмат – нон дастурхонларимиз файзига айлангунча қанча кўп меҳнат ва маблағ сарфланишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Бунинг учун озмунча заҳмат чекиладими?

2020 йилда вилоятимизда 141 минг гектар ерга ғалла экилган эди. Дехқонларимиз астойдил меҳнат қилгани туфайли далаларда мўл ҳосил етиштирилди.

Эндиги вазифа далалардаги ризқ-насибамизнинг бир бошогини ҳам исроф қилмасдан ўз вақтида ва қисқа муддатда ўриб-йиғиб олишдан иборат эди. Бу катта куч, улкан сафарбарлик, масъулият талаб этилган юмуш эди. Шундай паллада дехқонларимизга кўмаклашини кўпгина корхоналар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳам умумдавлат аҳамиятига молик вазифасига айланди.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 июндаги «2020 йил ҳосили учун экилган бошқод дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли ўриб-йиғиб олишни ташкил этиш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги қарориди бу борадаги вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган эди.

Ушбу қарор асосида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди. Унда идоравий мансублигидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларнинг дон қабул қилиш пунктларига ғалла ташини учун яроқли бўлган транспортларини шартнома асосида жалб қилиб, уларнинг отряд асосида ишлашини ташкил этиш, ғалла етиштирувчи фермерлар биринчи навбатда давлат эҳтиёжи учун етказиб бериладиган ғалла-назорат қилиш учун тузилган шартномани бажаришлари ва шундан кейин ғалланинг қолган қисмини бошқа мақсадга йўналтиришлари қатъий белгиланган эди. Шунингдек, «Ўзгагроинспекция»нинг вилоят бошқармасига вилоят қишлоқ ишлари хўжалиги бошқармаси, «Ўздонинспекция»нинг вилоят бўлими билан биргаликда давлат эҳтиёжи учун етказиб бериладиган ғалла ва уруғлик ғалла сифати устидан назорат ўрнатилди бу юртимизда.

Қарорга биноан гуруҳ тузилиб, туманларда ғалла ўрим-йиғимининг бориши ва сифати назорат қилиб борилди.

ДАЛАДА ОНЛАЙН ИШЛАБ БЎЛМАЙДИ

«Сен ойлаб ўтказган қору ёмғирда мард бўлсалар бир кун туриб берсинлар», – дейилади бир қўшиқда. Коронавирус пан-

демияси туфайли жорий этилган карантин сабаб далада никоҳ тақиб юриш, санитария қоидаларига амал қилиб ишлаганини ўзи бўлгани йўқ. Айни карантин пайтида, «Уйда қолинг!» шиори кун тартибига чиққан, кўп соҳаларнинг ходимлари ўз хонадонидида онлайн ишлашга ўтган бир вақтда жазирамада ғалла етиштириш ва уни саранжомлаб олишнинг ўзи бўлгани йўқ. Табиийки, ғаллани онлайн парваришлаб бўлмайди. Тиббий ва санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари ҳам ўрим иштирокчиларига камарбаста бўлиб, уларнинг саломатлиги ва санитария қоидаларига амал қилишларини қаттиқ назорат қилиб боришди. Эрталаб чой, тушда ва кечқурун гўштли овқат ташкил этилди. Комбайнчи ва бошқа иштирокчиларнинг қўл ювини, ювиниши учун даланинг ўзида шароит муҳайё этилди, улар дезинфекция воситалари билан таъминланди. Иш ҳақи даланинг ўзида ўз вақтида бериб борилди.

Натижада қисқа муддатда вилоятимиз ғаллакорлари ҳосилини саранжомлаб олишди. 384 минг тонна ғалла фермер хўжалиқларининг ўзида қолди. Бу эса фермер ва унинг ишчилари хонадонига қут-барака кирди дегани. Бундай муваффақиятга барча агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилгани, ўрим-йиғим отряд усулида ташкил этилгани ҳамда мавсумга жалб этилган 461 та комбайндан са-

марали фойдаланилгани туфайли эришилди. Шартноманинг ортиги билан бажарилишида Чирокчи, Қамаш, Яқсабоғ, Қосон ва Қасби туманлари дехқонларининг ҳиссаси катта бўлди.

ТИРИКЛИК ВА ШОДМОНЛИК МАНБАИ

Тарихий маълумотларга қараганда бундан 5-7 минг йил муқаддам бугдой, ариша, шол, 4 минг йил илгари эса маккажўхори ва тарик маданийлаштирилиб, улардан нон тайёрлаш усули кашф этилган. Одамзод нонга бўлган эҳтиёжини нон дарахтлари ҳисобига ҳам қондирганини айтиб ўтиш жоиз. Бу дарахтнинг номи «атрокарпус интегро» бўлиб, ҳозир ҳам Африкада ундан озиқ-овқат сифатида фойдаланилади.

Дунёда неъматлар кўп, лекин уларнинг ҳеч бири нон билан тенглаша олмайди. Аждодларимизнинг ёшларни нонни ардоқлашга ундаганлари бежиз эмас.

Бир ҳовуч дон. У – тириклик, шодмонлик манбаи. Интизор кутилган гўдак туғилганда бир ҳовуч ун мой қўшилиб қозонда қовурилади. Тансиқ таом аёлга куч-қувват бахш этади. Гўдак биринчи бўлиб она сутидан нон таъмини тотайди. Балки шунинг учун ҳам инсон зоти бу қимматли неъматни она каби эъзозлар?! Катта меҳнат эвазига тайёрланган нонни арзимас пулга

харид қиламиз. Бу бизда нон беқадр дегани эмас, балки буни давлатимизнинг гамхўрлиги деб тушуномқ керак.

НОН ЁПГАН АЁЛ ЧЕҲРАСИДАГИ НУР

Тандирдан эндигина нон узиб олган аёлнинг юзига эътибор қилганмисиз? Нон ёпган аёлнинг чеҳрасида нур жилваланади. Ҳовлини эса нон ҳиди эгаллайди. Нон исси... Дунёдаги энг хушбўй хид, ҳатто қимматбахо фаранг атири ҳам унга тенг келолмайди. Бугдой, тегирмон, тандир, нон – инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлар саналади. Кексалар шўх-шодон ёшларни «Ҳа, уйинг бугдойдан тўлурлар» деб эркалашади. Халқимизнинг нон билан боғлиқ жуда кўп одатлари бор: чақалоқни бесиқка беллаганда ёстқичаси тагига седанали қулча қўйиш, гўдак энди оёқланганда қулча юмалатиш, узоқ сафарга кетган кишига нон синдириб қолиш, севишганларни қовуштириш олдидан нон синдириш ва ҳоказо.

Азиз биродарлар! Хамир қорилганда ишлатиладиган ҳовуч-ҳовуч ун ҳаққи, дастурхонимизда ушатилган нон хурмати донни, нонни қадрлайлик! Далаларда кўп хайдаган боболар, қулоғига ёғурчоқ жаранги синган момоларимиз ўғитини дилга жо этайлик! Ризқ-рўзимиз бўлган донни, нонни эъзозлайлик, унинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмайлик! Осмонимизда тинчлик қабутари эркин қанот қоқсин, ҳар баҳорда майсалар унсин, қозонлар сумалакка тўлсин. Шунда момомерос қўшиқларда айтилганидек, хирмон тўлиб дон тўқилади, тандир тўлиб нон ёпилади...

Нобўйта ҲОЗИЕВ,
«Нур»

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тизимида самарали хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон Бахри Умаров 60 ёшни қарши олди.



У тизимдаги меҳнат фаолиятини 1985 йилдан Самарқанд вилояти прокуратураси органларида иш ўрганувчилардан бошлаб, кейинчалик Бош прокуратура ва 2001 йилдан Бош прокуратура ҳузуридаги департамент органлари тизимида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга маъмул билан ёндашди.

Иш жараёнида жамоа ҳодимларига нисбатан та-

лабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Бахри Умаровнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура ва департамент раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлан-тирилган.

Хурматли Бахри Нарзиевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сўхат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойятларга қарши курашиш департаменти жамоалари ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

ТАҲЛИЛ

ПРОКУРОРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 39-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Шу билан бирга, кодексда прокурорнинг маъмурий суддаги процессуал мақоми белгилаб берилган бир қатор нормалар ҳам мавжуд.

МСИЮТКнинг 46-моддасида прокурорнинг ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки юридик шахснинг манфаатини кўзилаб судга мурожаат қилган шахс сифатидаги ҳамда бошқа шахсларнинг аризалари асосида кўзга тилган ишларда қатнашувчи прокурор сифатидаги ҳуқуқлари белгиланган. Бундан хулоса шуки, прокурор маъмурий суд ишларини юритишда икки хил вазифани бажаради.

Прокурорнинг бу икки вазифани бажаришдаги ваколатларининг фарқи жиҳатлари бор, уларга тўхталганидан аввал ишдаги иштирокини истисно этиши мумкин бўлган ҳолатларни кўриб чиқамиз.

Кодекснинг 22-моддасига мувофиқ прокурор куйидаги ҳолларда ишни кўришда қатнашиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим, агар у:

- 1) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки уларнинг вакилларининг қариндоши бўлса;
- 2) ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолисисига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Ушбу асослар бўлганда прокурор ўзини ўзи рад қилиши ҳақида арз қилиши шарт. Ишда қатнашувчи шахслар ҳам шу асосларга кўра прокурорни рад этиш ҳақида арз қилиши мумкин.

Прокурор суд процессида қатнашувчи шахсларга саволлар бериш, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар юзасидан илтимоснома киритиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажаришда бирёқламалikka йўл қўйиши мумкин эмас.

Ишда қатнашувчи прокурор иш бўйича йиғилган далилларга қонунга амал қилган ҳолда ҳолисона баҳо бериши лозим.

МСИЮТКнинг 39-моддасига кўра прокурор ишда қатнашувчи бошқа шахсларга ҳам тааллуқли бўлган бир қатор ҳуқуқларга, хусусан, иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, кўчирма нуска олиш ҳуқуқига эга.

Прокурор судга ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама аниқлаш, далилларни текшириш ва тўғри баҳолашда яқиндан ёрдам берган бўлсагина, унинг суд процессидаги иштирокидан кўзланган мақсадга эришилган деб ҳисоблаш мумкин.

Далилларнинг асосий турларидан бири ёзма далиллардир. Кодекснинг 74-моддасига мувофиқ иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат, шартнома, маълумотнома, ишга оид ёзишмалар, шу жумладан факсимил, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ишончлилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ўзга ҳужжат ва материаллар ёзма далил ҳисобланади.

Прокурор далилларни текширишда қатнаша туриб қонунда белгиланган қуйидаги қоидаларга риоя этиши зарур, яъни МСИЮТКнинг 73-моддасига мувофиқ ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуктаи назардан, далилларнинг йиғиндисига эса етарлилиги нуктаи назардан баҳолалиши лозим.

Кодекснинг 127-моддасида маъмурий судда иш кўзгатиш асосларидан бири сифатида прокурорнинг аризаси ҳам келтирилган.

Прокурорнинг маъмурий органларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги аризаси МСИЮТКнинг

128-моддасида белгиланган қоидаларга ҳамда 187-моддасида белгиланган алоҳида талабларга мувофиқ бўлиши шарт.

Кодекснинг 129-моддасига мувофиқ прокурор судга ариза бераётганда ишда қатнашувчи бошқа шахсларга аризининг ва унга илова қилинган, уларда бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини юбориши шарт.

Олий суд плenumининг 2018 йил 19 майдаги «Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-қарорининг 19-бандига мувофиқ аризачи МСИЮТКнинг 136-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ариза (шикоят) асосини ёки предметини ўзгартириш ҳуқуқидан биринчи инстанция судида ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар фойдаланиши мумкин. Бу норма иш бошқа инстанцияларда кўрилаётганда қўлланмайди.

МСИЮТКнинг 136-моддасига асосан аризачи ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда ишни кўришнинг яқини ҳисобланадиган суд ҳужжати қабул қилингунга қадар ариза(шикоят)дан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Шу билан бирга суд ариза(шикоят)дан воз кечиши, агар бу қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, қабул қилмайди. Бундай ҳолларда суд ишни мазмунан кўради.

Алоҳида қайд этиш лозимки, маъмурий судларга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқли бўлгани сабабли ҳам МСИЮТКда тарафлар ўртасида келишув битими тузилиши билан боғлиқ қонда белгиланмаган.

Шундай қилиб, судга арз қилган прокурор аризининг барча ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда аризасида баён этилган талабларни қувватлайди, ариза беришга асос бўлган ҳолатларни исботлайди, далил келтиради, ариза талаблари бўйича қўллалиши лозим бўлган қонун ҳужжатларини келтиради.

Шу билан бирга, кодекснинг 46-моддаси 5-қисмига кўра прокурорнинг ўз аризасидан воз кечиши аризачини ишни мазмунан кўриб чиқиши талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Прокурор томонидан аризачининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган талабдан аризачининг воз кечиши эса аризани кўрмай қолдиришга олиб келади (МСИЮТКнинг 46-моддаси 6-қисми).

Асад ЧУЛЛЕВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEKKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85



www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va egaloriga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
☒ — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4313.
15 548 nusxada bosildi.
O'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teritiladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: U.DEKKANOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Маъмурий Ижро бюроси жамоалари Қарши махсус прокурори

Дехқонбой

АБДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон 2020 йилнинг июль ойида 11,6 тонна олтин экспорт қилиб, дунё мамлакатлари орасида олтин сотиш бўйича мутлақ етакчига айланди.

10-SENTABR 2020-Y.
HUQUQ N° 36
(1233) **11**



ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР

«Формула-2» (жаҳон автоспортининг иккинчи дивизиони) чемпионати саккизинчи босқичининг биринчи пойгаси «Prema Racing» жамоаси пойгачиси Мик Шумахернинг ғалабаси билан якунланди.

«Формула-1» бўйича етти карра жаҳон чемпиони Михаэл Шумахернинг ўтти Мик учун бу мавсумдаги биринчи ва «Формула-2»даги иккинчи ғалаба бўлди. У ўтган мавсумда Венгриядаги «Хунгароринг» автодромидаги пойгада ғалабага эришганди.

Маррага иккинчи бўлиб италиялик Лука Гьотто («Hitech GP»), учинчи бўлиб эса даниялик Кристиан Лундгор

(ART) етиб келди.

Эслатиб ўтамиз Михаэл Шумахернинг ўзи 2013 йилда Франция Альпида чанги учиб вақтида бошидан жароҳат олган. Спортчи ярим йил давомда сунъий комада бўлган ва ҳанузгача даволанади.

2019 йил кузда Шумахер Париждаги шифохонага яширинча келтирилгани маълум қилинган.

РОНАЛДУ БЎЛСАНГ ЎЗИНГА

Португалия терма жамоасининг ўзинини трибунадан ниқобсиз кузатиб ўтирган Криштиану Роналдудан ҳимоя воситасини тақиб олиши сўралди. Бу ҳақда «Sport24» портали хабар берди.

5 сентябрда Португалия «Драгау» стадионида Миллатлар лигасининг Португалия ва Хорватия ўртасидаги учрашуви бўлиб ўтди. Роналду ари қақнидан кейинги инфекциядан даволанаётгани сабабли ўйинда иштирок эта олмаган. Европанинг амалдаги чемпионлари жамоа етакчиси йўқлигига қарамай, 4:1 ҳисобида ғалабага эришган.

Роналду стадиондан ўз терма жамоасини қўллаб-қувватлаб турган. Лахзалардан бирида учрашув оператори камерасини трибунада ўтирган Криштиануга қаратган. Айнан шу вақтда футболчининг ёнига стадион ходими келиб, ундан ниқобини тақиб олишни сўраган.

Ҳа, одамлар ҳам қизиқ-да, европаликлар номдор футболчининг ниқоб тақмаганига шунча ваҳима қилишади. Вирусдан юрак олдириб қўйишибди.



МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ 2021 ЙИЛГА ҚОЛДИРИЛДИ

Қозон шаҳрида МДҲ мамлакатларининг биринчи спорт ўйинлари октябрь ойида ўтказилиши керак эди. Мусобақа коронавирус пандемияси туфайли 2021 йилга кўчирилди. Бу ҳақда Татаристон спорт вазири Владимир Леонов баёнот берди.

Даставвал бу ўйинлар 20-27 августда ўтказилиши режалаштирилган, бироқ коронавирус сабаб сентябрь, кейин октябрь ойига кўчирилган эди. Энди 2021 йилнинг ёзида ўтказиш режалаштирилмоқда.

МДҲ мамлакатларининг биринчи спорт ўйинларида 14-23 ёшли атлетлар спортнинг 22 тури бўйича 280 та медаль учун беллашади.



«МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» УКРАИНАЛИК ФУТБОЛЧИГА КЎЗ ТИКМОҚДА

«Manchester Evening News» портали тарқатган маълумотга қараганда, Киевнинг «Динамо» клуби футболчиси Виталий Миколенкога Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби жиддий қизиқиш билдирмоқда.

«МЮ» скаутлари «Динамо» футболчиси борасида ижобий фикрга келишди. «МЮ» мураббийлари Миколенкога чап канот ҳимоячини топширишмоқчи. Ҳозир клубнинг бу позициясида Люк Шоу ва Брендон Уильямслар ўйнаяпти.

Аввалроқ Миколенкога «Наполи» клуби ҳам қизиқиш билдирганди. Бироқ Италияда легионерларга қўйилган чеклов сабабли бу битим амалга ошмай қолган эди. Чунки Миколенкода ҳали Евроиттифок паспорти йўқ.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!!

МИБ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ: ИЖРО ИШЛАРИ БЎЙИЧА МОЛ-МУЛКЛАРНИ СОТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ БЎЛМОҚДА!

Мана неча йилдирки, ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш бўйича савдо ташкилотларини танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармалари томонидан танлов асосида амалга ошириб келинмоқда.

Танлов ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир туман (шаҳар) бўйича ёки алоҳида турдаги мол-мулкларни сотиш бўйича энг мақбул савдо ташкилотларини аниқлашдан иборат.

Танлов ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Комиссия танлов бошланишидан камидан ўттиз кун олдин оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғи орқали танлов ўтказиш тўғрисида эълон беради. Эълон бериладиган оммавий ахборот воситалари рўйхати Бюро томонидан белгиланади ва Бюро ҳамда

унинг ҳудудий бошқармалари расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Ҳа айтганча, танловда:

– қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;

– фаолият юритаётганига олти ой бўлмаган;

– охири икки йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбурийларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган юридик шахслар қатнаша олишмайди.

Пойтахтимизда ҳам, Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳам худди шундай танлов ташкил этилмоқда.

Танлов ўтказиш жойи, санаси ва вақти: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-мавзе, 68-уй, 2020 йил 12 октябрь, соат 10:00 да.

Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиб олиш жойи ва манзили: Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳри, Авиасозлар 4-мавзе, 68-уй. Танловда иштирок этиш учун аризалар тақдим этишнинг охириги муддати: 02.10.2020 йил.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Очқ-ва шаффоф танловларда иштирок этинг ва голиб бўлинг!

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси